

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 9 ноябр
пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 224 (2521)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJLISINING GAZETASI

Фарғона вилояти пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига

Азиз дўстлар!
Барчангизни эришган улкан марра - пахта тайёрлаш бўйича йиллик шартномавий режани муваффақиятли бажарганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Қўли гул, кўнгли очик, ҳиммати баян Фарғона халқи тадбиркор ва ташаббускорлиги, ўз ишига фидойилиги билан азал-азалдан бу муборак замин шухратини дунёга тараннум этиб келётгани барчангизга яхши маълум.

Об-ҳаво нуқул келган бу йилги мураккаб шароитда бор куч-ғайратингиз, сабру матонатингизни ишга солиб, чинакам марфлик ва омилкорлик фахрларини намойиш этиб, ҳар гектар майдондан 30 центнердан ҳосил олиб, 362 минг тонналик юксак хирмон бунёд этганингиз бу ҳақиқатни яна бир қарра тасдиқлаб турибди.

Пахтачиликдаги бу ютуқ қишлоқда бозор муносабатларини қарор топтириш, хўжалик юришнинг замонавий шаклларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, деҳқонларда ерга ва мулкка эзалик туйғусини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, туб ислохотларни амалга ошириш борасида муҳим қадамлар қўйилаётганидан далолатдир.

Нафақат пахтачиликда, балки қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам замонавий технологияларни қўллаш, Фарғона деҳқончилик мактабини ялғор тажрибалар билан бойитиш яхши натижалар бераётгани барчангизни қувонтиради, албатта.

Қадри дўстлар!
Ўзла Фарғонанинг миришкор пахтакорлари, лафзи ҳалол деҳқонларини, бутун вилоят аҳлини яна бир бор бағримга босиб, катта меҳнат галабаси билан самимий табриқлайман.

Келгуси ишларингизда барчангизга улкан зафарлар тилайман, хонадонларингиздан тилчилик-тоғулик ва файз-баракат армасин. Халқимиз фаровонлигини ошириш йўлидаги олимжаноб иштирокларингизда Яратганингиз ўзи мададкор бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



Фарғонага Файз кўнмоқда

Вилоятнинг ориятли пахтакорлари мураккаб табиий шароитда ваъдаларига вафо қилишди

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Юртбошимиз халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида «Менинг назаримда, йил сайин Фарғонадан файз-баракат кўтарилаётганда, вилоят авалги марказини, илгариги жозибасини, тароватини йўқотганда туюлади ва кўнглини гаш қилади», деб айтган самимий, айни пайтда ўта адолатли гаплари салкам 2 миллиондан зиёд аҳолининг юрак-юрагига етиб борди. Бу сўзлар ўзини шу юртнинг чин фарзандидан деган ўнлаб, юзлаб, минглаб фарғоналикларнинг қалб нидосига айланди. Ва улар бир муддондан қатъий айтишди: ҳар нарсанинг ҳам интиҳоси бор, пичоқ суюкка етди, энди орта қайтиш йўқ. Аграрнинг сўнгги йили Фарғона деҳқонининг шухрати, шон-шарфини тиклаш йили бўлади.



Янги минг йилликка эса қолдиқка батамом барҳам берган ҳолда қадам қўямиз. Бу оддий шон эмас, ор-номус, ота-боблар шон-шухрати, шавкатини тиклаш учун оммавий сафарбарлик ҳаракати бошланганидан дарак эди.

●Олий Мажлисида

Сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган Олий Мажлис депутатлари блокнинг мажлисида ҳалқ муҳокамасига қўйилган «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасига тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

●Вазирлар Маҳкамасида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари негизда яратилган «Миллий истиқлол гоюси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи маънавий-мафкуравий ҳаётимиздаги янги босқични белгилаб берди. Мамлакатимиз раҳбарининг сўзбошиси билан бошланган бу рисоланинг «Миллий гоъ ва мафкуралар тарихи», «Хозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш», «Ўзбекистон тарққияти ва мафкуравий муаммолари», «Миллий истиқлол мафкураси», «Миллий истиқлол мафкурасини халқимиз қалби ва онига синдириш» деб номланувчи беш бобда маънавий-мафруфий тараққияти-миз тамойиллари, Ватан равақи, ёш авлоди юксак миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялангани муҳим масалалари баён этилган.

Лойиҳа Блокда муҳокама қилинди

қадар қонун лойиҳаси юзасидан ўттизга яқин ҳал келган. Уларда юздан зиёд тақлиф ва мулоҳазалар билдирилган. Бундан ташқари, фуқароларимиз оммавий ахборот воситалари орқали ҳам ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Халқ қалбига етиб борсин

Миллий мусиқали театр санъатининг равнақида салмоқли ҳисса қўшган санъаткорнинг нақадлар самимий, бағрикенг инсон бўлгани кўлаб саҳна ва экран асарлари орқали халқимизга яхши маълумдир. Раззоқ Ҳамроев бир вақтнинг ўзида актёрлик, режиссёрлик ва педагогик соҳада сермахсул ижод қилди. Унинг режиссёр сифатида санъатлаштирган «Фарғона тоғ отуна», «Тошболта ошиқ», «Нурон» каби турли жанрдаги спектакллари ўзининг ҳаётлиги, юксак баъдий ижроси билан томошабинлар юрагиндан жой олган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Р.С.Азимовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Макроиктисодиёт ва статистика вазирини этиб тайинлаш тўғрисида

Рустам Содиқович Азимов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Макроиктисодиёт ва статистика вазирини этиб тайинланиши ва шу муносабат билан у Бош вазирнинг ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирини вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

М.Б.Нурмуродовни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирини этиб тайинлаш тўғрисида

Мамаризо Бердимуродович Нурмуродов Ўзбекистон Республикаси Молия вазирини этиб тайинланиши.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

ҚИШЛОҚҚА СУВ КЕЛДИ

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги чекка Қосим Қобилов номлидаги, «Дехқонбод», «Варозун» ширкат хўжаликлари аҳли яна бир қулайликдан баҳраманд бўлди. Улар кўп йиллардан буён қудуқлардан, оқар сувлардан фойдаланиб келишарди. Эндиликда аҳоли Дамхўжа-Навоий-Бухоро сув қувири орқали тоза ичимлик сувидан фойдалана олади.

Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обунда давом этаётганлигини маълум қиламиз.

Мамлакатимизда

Учкудуқда «КамаЦУ» техникаси

Кенг қўламли кон юмушларини амалга оширишни энг замонавий техникаларсиз тасаввур этиши қийин. Навоий кон-металлургия комбинатининг Учкудуқдаги автомобил транспорти бошқармаси учун Япониянинг «КамаЦУ» фирмасидан оғир юк ташишга мўлжалланган бир нечта автомашина сотиб олинди. 55 тонналик самасвал, айниқса, ҳайдовчиларга манзур бўлди. Унинг иш умумдорлиги юқорилиги билан бирга, ҳайдовчи учун қулай ва енгил. Бошқарми осон, кабинадаги кондиционер ҳароратнинг мўътадиллигини таъминлайди, компьютер кузовга қанча юк орттирилганини кўрсатиб туради.

Музейга эътибор

Самарқандда «Сорос» халқаро жамғармаси ва Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги ташаббуси билан «Янги иқтисодий шароитда Ўзбекистон музейлари» деб номланган ўқув-семинар бўлиб ўтди. Ушбу анжуманга бош музейлар раҳбарлари, Санкт-Петербург ва Буюк Британиядан малакали мутахассислар тақлиф этилди.

Меъморчилигимиз тадқиқи

Бехўд номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг профессори Искандар Азимов ўзбек дийри меъморчилик тарихини тадқиқ этиш борасида самарали ишланмоқда. У яратган «Фарғона водийси меъморчилик ёдгорликлари», «Фарғона водийси меъморчилик мероси», «Хива меъморчилиги» каби йирик асарлар эътиборга сазовордир. Ўзбекистоннинг бой меъморчилик тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм сценарийсини ҳам у ёзган.

Чоршанба хабарлари



Курраи заминда

Сешанба кунини АҚШнинг жами 51 штатида президентлик сайлови бўлиб ўтди. Қўзғатувчиларнинг эътирофи эътишча, сўнги йилларда ушбу мамлакатда президентлик сайловлари бу даражада юксак фаоллик билан ўтмаган. Ушбу сиёсий таъбирда сайловчилар овоз бериш учун соатлаб кутишган. Сайлов натижалари эса бузувч эълон қилинади. Шунинг ҳам айтиши керакки, АҚШ президенти Билл Клинтоннинг рафиқаси Ҳиллари Клинтон Нью-Йорк штатидан сенатор этиб сайланди. Ушбу курашда республикачилар партияси вакили, конгресснинг вакиллар палатаси аъзоси Рик Лазини ортда қолдириб, АҚШ тарихида ҳали бирор президентнинг рафиқаси сенатга сайлана олмаган.

Депутатлар овоз қилди

Колумбиядаги «Парамилитарес» гуруҳи мамлакат парламентининг гаровга олишган 8 аъзосини озод қилди. Депутатлар икки ҳафтадан ортиқ вақт давомида тутқунликда сақланган. «Парамилитарес» раҳбари Карлос Кастаньо парламент аъзоларининг гаровга олинишини ҳукуматнинг сўз исёбчилар билан музокараларда бўшаниқлик қийаётганидан норози экани билан изоҳлаганди. Депутатлар озодликка чиқаришга, у Колумбия президентининг юқори мартабали вакили билан учрашиш талабини қўйди.

Бош котиб сафарга чиқди

БМТ Бош котиби Кофи Аннан хоржий сафарга чиқди. Бош котиб расмий вакили Фред Экхарднинг айтишича, К.Аннан дастлаб Швейцарияда бўлади ва Женевда Кипр можаросини тугатиши масаласида ўтказилаётган музокарада иштирок этади. Сўнгари унинг Катаре сафари бошланади. Бош котиб у ерда Ислом конференцияси ташкилотини саммитида қатнашади. Сафар Баҳрайн билан якунланади.

Янги имкониятлар очилмоқда

Швеция Яқин Шарқ можаросида ечим топишда фаол иштирок этишига ҳаракат қилмоқда. Жумладан, мамлакат ташқи ишлар вазирлиги бош котиби Ханс Далзегер ҳозир Қўдудеда қарама-қарши томон вакиллари билан музокара ўтказмоқда, деди Бош вазир Йоран Перссон. Унинг айтишича, Швеция яқин ойларида Европа Иттифоқига расмий қилиш ҳужжати қўла кўришди ва бу мамлакатнинг Яқин Шарқ можаросини тинч йўл билан ҳал қилиш жараёнида янада фаолроқ ва кенг қўламли тарзда қатнашиши имкониятини яратди.

Париж анжуман арафасида

Францияда Европа Кенгаши вазирлари қўмитасининг навбатдаги сессияси бошланди. Унда Югославиядаги вазият ҳамда Шимолий Кавказ, жумладан, Чеченистон билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Хабарларга қараганда, ушбу сессияда Югославия президенти Воислав Коштунцианинг ҳам иштирок этиши кутилмоқда.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

Нозоқат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Фарғонага Файз кўнмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Агар деҳқон ерга чинакам қалб қўрини баҳшида этса, омилкорлик билан, илгорлар тажрибаси асосида иш юритса, ошиячи олчи бўлишини бу йилги мавсум яққол кўрсатди. Айрим рақамларни мўъжас қилайлик. Аввалги йилга нисбатан 15,3 минг гектар кўп, 42,8 минг гектар ерга чигит пушта олиниб экилди. Шундай усулда пахта етиштирган хўжаликларнинг барчаси ваъдани удралди. 1999 йилга нисбатан салкам 2 марта кўп, 9,7 бор қатор ораларига ишлов берилди. Ҳаётининг бундай қисмидаги аёллари далага от-

ишларида иштирок этди, деган сўз. Оммавий сафарбарлик кўнралида шаҳарлар, туман марказларидан келган 126 мингга яқин хашарчилар ҳам деҳқонларга камарбаста бўдилар.

— Узим қишлоқда туғилиб, шаҳарга келин бўлиб тушганман, — дейди Марғилоннинг «Чорчинор» маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Турдихон Рўзиева. — Қирқ йил мобайнида гўза ораламаган эдим. Бу йил эса уйда бемаъл ўтира олмадим. Терим авжига чиққан кўнлари маҳалламизнинг ўн чоғли нафақадаги аёллари далага от-

ландик. Кейинчалик Марғилоннинг барча маҳаллаларидаги аёллар ташаббусимизга қўшилди. Натижада марғилонлик 12-13 минг хашарчи Охунбобоев, Езёнов, Тошлоқ туманлари пахтакорларига ёрдам берди. Бу туманларда режа орғиги билан бажарилишида бизнинг ҳам камтарона улушимиз

борлигидан фохрланамиз. Терилган пахта учун иш ҳақи ҳар беш кунда бериб берилганлиги ҳам далада ишловчиларни янги марраларга илҳомлантирди. Хозиргача фақат терилган пахта учун 5 миллиард 100 миллион сўмдан зиёд нақд пул тарқатилди. Тошлоқ туманидаги «Навбахор» ширкат



Виллатнинг улкан хирмони қад ростлашида олимпиадалик пахтакорларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Сиз суратда кўришган Ибодатхон Тўлабаева Б. Отақуллов ширкат хўжалиги далаларида турнақатор тизилган те-

римчи қизлардан бири. У кунга 120-140 килограмдан пахта териб ўзгаларга ибрат бўлди. Кўрсаткич мавсум бошидан бунинг ҳисобланадиган бўлса, тонналарга айланади. Тонналарни териб учун эса Ибодатхон тақор-тақор

эгатларга эгилгандир. Бу меҳнатни кўз олдинга келтирилганда Ибодатхон сингари сингилларимизга беҳиштир тасанно айтгани келади. М. САРИМСОҚОВ олган сурат.

хўжалигидан Маъмура Эркабоева сентябр ойида 90 минг сўм иш ҳақи олган бўлса, октябр ойида унинг ҳисобига 78 минг сўм ёзилди. Шу тумандаги Марозиқов номи жамоа хўжалигидан Соттихон Салайдинова икки ойда 124.800 сўм, Саодатхон Сайфуддинова эса 116.200 сўм даромадга эга бўлди. Учқўриқлик Муборакхон Тешабоева, олтиариқлик Турдихон Мазокирова, қувалик Азизахон Азимова сингари теримчиларнинг оилавий бюджетлари ҳам 100-120 минг сўм даромад ҳисобига янада бойиди.

Виллатда янги-янги иш тажрибалари яратилмоқда. Жорий йилда 42,8 минг гектар майдонга чигит пуштага экилган бўлса, келгуси йили деярли барча майдонларда шу илгор усул қўлланилади. Тажриба тариқасида июн ойида арпадан бўшаган 3000 гектар ерга тақоран чигит қадалганди. Уртача ҳосилдорлик 21 центнерни ташкил этди. Бувайда туманидаги Амир Темури номи хўжалигида эса бу кўрсаткич 25 центнерга етди. Уруғчилик бора-борда исзанишлар эса исчил давом эттирилмоқда. Келгуси йили жами 3000 гектар майдонга истиқболли пахта навларини экиш режалаштирилди.

Бугунги кунда виллатнинг қайси бурчада бўлманг, фарғоналиклар Юртбошимизга берган ваъдаларини шараф билан бажарганликларини қувонч билан тилга олмоқдалар. Айниқса, Олтиариқ, Учқўриқ, Кува, Фарғона, Бешариқ, Охунбобоев, Тошлоқ, Езёнов, Фуқат туманлари пахтакорларининг юзлари ёруғ, қувончлари чексиз. Улар айни чоғда даладаги ҳосилни сўнгги мисқолигача йиғиштириб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар, шўғорлаш ишларини тобора кучайтирмоқдалар.

Гувоҳлар нима дейишмоқда?

наллар чиқарилганини айтган. Шундан сўнг Тохир Йўлдошев уни бундай товланганлиги учун лагердаги болаларга ўт ёқувчи қилиб қўямиз, дея ҳаракатни таққалиғи ҳам судда руй-рост айтди.

— Туркияда яшаганимда М.Солиҳ билан деярли ҳар ҳафтада учрашар эдим, — дейди З. Аскарлов. — У ўшанда, ҳар қандай йўл билан бўлса, Ўзбекистонга раҳбар бўлиши кераклиги, бунинг учун зарур бўлса, исломий ҳаракат билан бирлашиш кераклигини айтар эди.

Шунингдек, гувоҳ, Т.Йўлдошев ва Ж.Ҳожиёвлар дунёдаги 60 га яқин мамлакатлардаги исломий ҳаракатлар фаолиятини мувофиқлаштириб туривчи маҳфий ташкилотга аъзо эканлигини, бундан икки йил олдин мазкур марказдан Ўзбекистонда «жиходни бошлашга» «фатво» олгани ва ҳатто С.Мамаиновдан анча миқдорда қарздор эканлигини ҳам айтди.

— Мен Тохир Йўлдошев-

нинг Ўзбекистондаги амри хисобланган Баҳром Абдуллаевнинг қайноғаси бўлган, — дейди яна бир гувоҳ Оловуддин Болтаев. — Жиход ҳаракатида фақат давлат ишлари билан шугулланганман. Уттан йилнинг феврал ойида К.Зокорнинг топшириғига биноан уч бор Т.Йўлдошев билан Дубайда учрашиб, ҳисобот берганман.

Гувоҳ О.Болтаев исломий ҳаракатнинг дастлабки ҳарбий тактикаси ҳусусида сўзлар экан, Термиз чегарасига маълум бир қўшин тўплаш орқали Ўзбекистон ҳарбийларини қалғитиб, сўнг Ж.Ҳожиёв қўшинлари «КамАЗ» русумли машиналар билан волейга кириб келиши мўъжизаланишларини ҳам маълум қилди.

Шу билан бирга, суд мажлисида 16 феврал воқеаларининг бевосита ижроларининг қўллари андиқонлик тижоратчи, айни пайтда маҳбус Рустам Мамаиқуллов ёрдамида Алматидеги кутиб олиниб, хорижга қочирилгани ҳам аён бўлди.

Суд жараяни давом этмоқда.

Суд залидан
Олий судда 12 нафар айбланувчи устидан давом этаётган суд жараянида нағара судданган ва ҳозир эъзо мўддатини ўтаётганларнинг гувоҳлик қўрсатмалари бериши давом этмоқда.

Фуқат САНАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кунги кеча «Ўзбекистон исломий ҳаракати» деб аталмиш уюшманинг «ташқи ишлар вазири» хисобланган Зайниддин Аскарлов (лақаби Абдурахмон Мансур) судланётганлар — Тохир Йўлдошев билан Салай Мадмаинов (Муҳаммад Солиҳ) ўртасида ўн етти бор учрашув бўлганлиги ва ушбу мулоқотларнинг барчасини унинг ўзи уюштирилганини маълум қилди. З.Аскарловнинг айтишича, Салай Мадмаинов ҳеч элдиги турли ташкилот ва ҳомиёларга ўзини гўё «Ўзбекистон исломий ҳаракати» йўлбошичи сифатида танитиб, катта миқдордаги маблағларнинг эгасига айланган. Бунинг сизиб қолган Т.Йўлдошев орани «очиқ» қилиш учун уни Қобулга тақдир қилган.

Маълум бўлишича, ўзро учрашувида С.Мамаинов ушбу маблағларга уй, вилла сотиб олгани, турли газета ва жур-

Муносабат

Халқ қарғишига қолганлар

Тахририятимизга ҳар кун муштарийлар ва турли меҳнат жамоаларидан Олий судда 12 нафар шахс устидан давом этаётган очиқ суд жараянларига муносабат билдирилган ўнлаб шоямаларча ва хатлар келиб турибди. Қўшида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

... Ҳозирча қора курсидан У.Маҳмудов, У.Шуқуров ва О.Абдувоҳидов жой олган бўлса, қолганлари ҳам темир панжара ортида ўтиргандек. Чунки улар содир этганликда гумон қилинаётган жиноятларга қонун доирасида жазоланишини юртимизнинг ҳар бир фуқароси қалбдан ҳис этиб турибди.

Ўқтам УМАРОВ, Муборак газни қайта ишлаш заводи бош муҳандиси.

Судланаётганларнинг барчаси халқ қарғишига қолдилар. Агар улар тушунсалар, шунинг ўзи энг катта жазо. Бунинг ҳеч қачон оқлаб бўлмайдими...

С.ФАЙЗУЛЛАЕВ, Галлаорол туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси.

Қаранг, ўзини «демократ мухолифат раҳбари» хисоблаган Салай Мадмаинов (Муҳаммад Солиҳ) нақдлар тубан одам экан. У ва унинг ҳамтовоқлари шу юртда туғилиб, нафас олиб,



тузини еганликларини ҳам унутиб қўйишган. **Республика «Қамолот» жамғармаси Баҳмал бўлими ходимлари.**

...Аслида судланаётганларнинг барчасига халқимиз ўз баҳосини бериб бўлган. Аммо уларнинг қилмишлари қонун нуқтаи назаридан ҳам баҳоланиши шарт.

Ҳазорасп туман халқ таълими бўлими ходимлари.

Меннинг ўлим — Ватанини, Президентини жуда яхши кўради. У ўз халқининг тинчлиғи учун жонини фидо қилди. Уносонж бек, отанасининг қалбида, халқи юрғида мангу яшайди. Аммо халқимиз қаҳрамонлигини унутмагани каби ҳиёнатни ҳам кечирмайди!

Носиржон ОХУНОВ, Учқўриқ тумани.

Янгилик!

Хизмат — беминнат

Баҳодир ОСТАНАҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тошкентдаги «Шератон» меҳмонхонасида икки кун давом этган почта алоқа бўлимлари орқали банк хизмати кўрсатишга бағишланган халқаро конференция ўз ишини якунлади.

Айтиш лозимки, бугунги кунда почта хизматидадан фойдаланмайдиган киши бўлмас керак. Маълумотларга қараганда, ана шундай хизмат идораларининг учдан икки қисми айнан қишлоқларда жойлашган.

— Аҳолига почта бўлимлари орқали банк хизмати кўрсатиш фақатгина Голландияда қўлланилмоқда, — дейди Жаҳон почта алоқалари иттифоқи халқаро биороси бош директори жаноб Т.Лини. — Бу усулни Ўзбекистонда татбиқ этиш ниҳоятда муҳимдир. Чунки қишлоқ почтасида ташкил этилган банк хизмати оддий фуқаролар тортиб, талбиркор фермерга ҳам ниҳоятда қўлайдир.

Мухими, ўтган бир йил ичида бу усул Тошкент шаҳридаги почта алоқалари тизимида синов қўрилди. Тажриба давомида мазкур почта алоқаларининг иқтисодий аҳоли бирмунча ўнгилди. Аҳоли томонидан унинг афзал хизматлари эътироф этилди. Демак, бундай замонавий почта-банк хизматини амалиётга кенг татбиқ этишнинг вақти етибди.

Уч босқичли лойиҳадан иборат янги хизмат турининг умумий қиймати 5,5 миллион АҚШ долларини миқдорда бўлиб, унинг биринчи навбати учун республика «Алоқа» банкига 300 минг АҚШ долларлик кредит ажратилиш мўъжизаланимоқда.

Бундан ташқари, 2001 йилдан 2010 йилгача лойиҳани тулқ амалга ошириш мақсадида «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси ва бошқа бир қатор йирик ташкилотлар, хорижий сармоядорлар ҳам жалб этилади. Бу жараянда мавжуд почта тармоқлари банк хизматлари билан уйғунлаштирилади. Замонавий усуналар билан жиҳозланиб, валюта алмаштириш шохобчалари ташкил этилади.

Умида КАРИМОВА.

Миср элчихонаси ташаббуси билан Тошкентда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон банк ходимлари учун уюштирилган ўқув-тажриба алмашини машғулотлари ўз якунига етди. Тинловчилар Миср-Америка банкнинг ижрочи раиси Абу Бахр Ҳошим Абу Ан-Нил, Экспортни ривожлантириш Миср банкнинг Бош раиси муовини Мухтор Муҳаммад Ал-Гамал, Миср банк-молия институти мудир Шавқий Фаражнинг аудиторилик, молиявий ҳисоботларини кўриб чиқиш, молиявий та-

Банк ходимлари ўқуви

лил, жорий баланс таҳлили, кредит олиш ва кредит бериш, молиявий амалиётларнинг сифат-савиясини таҳлил қилиш, валюта конвертацияси низоми, банк бошқаруви ва унинг муаммолари сингари долзарб мавзулардаги маърузаларини тингладилар.

Тинловчиларга ўқув машғулотларини муваффақиятли битирганликлари ҳақида инглиз ва араб тилларида битилган халқаро гувоҳномалар топширилди.



Миллий истиқлол ғояси

Миллий истиқлол ғояси ва мафқураси мустақил Ўзбекистон давлатининг маънавий асоси ҳисобланади. У мамлакатимиз ва жаҳондаги жамиятининг ривожланиши, мамлакатининг гуллаб-яшнашига хизмат қилиб келган алоқаро ғоялар тажрибасига эга.

Шоши ўтмиш бағридан барча энг яхши бунёдкорлик ғояларини ажратиб олиб, уларни ҳозирги дунёнинг тараққиётга хизмат қилаётган энг қимматли маънавий мезонлари билан уйғунлаштириш ва умуминсоний қадриятларга асосланиб, мамлакатининг асосий мафқурасини шакллантиришга уриниш ҳозирга қадар бўлган эмас. Зеро, ўтмишнинг ва ҳозирги ҳаётнинг билан таҳлилдан ўтказиш ва уларнинг натижасини нукталарини топшириш осон эмас. Бу оғир ва мураккаб ишдодий иш. Айнан шундай ёндашуш мамлакатимиз Президентини И.А.Каримовнинг мустақилликни кўлга киритиш мақсадида 80-йилларнинг охиридан ишлаб чиқила бошлаган ва истиқлолнинг ўтган ўн йил мобайнида янада ривожлантирилган давлатимизнинг ғоявий-стратегик мақсадларига оид асарларида намойиш бўлган. «Миллий ғоя», — деган энг И.А.Каримов «Тарқатқур» журналига берган интервьюсида, — Ватанпарварлик шоши ўтмиш ва буюк келажакни узвий боғлаб туришига, ўзини улғун аждоғларимиз боқий меросининг ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замонинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил давлат қиладиган ғоя бўлиши керак».

Ишонпарварлик, инсоннинг ахлоқий қамолоти ғоялари қадимги Хитойнинг машҳур мутафаккири — Конфуций таълимоти-нинг ҳам асосини ташкил этди. Инсон ўзининг ижтимоий келиб чиқиши ёки жамиятдаги мавқега кўра эмас, балки тўғри, ҳалол, адолатли бўлишига интилиши, ўзидан катталарга ҳурмат туйғусини тарбиялаш эвазига

деган гавҳар сўзлари ҳозирги кунда ҳам катта ахлоқий аҳамиятга эга. Бу ўлмас ғоялар кейинчалик пайдо бўлган динлар, жумладан, насронийлик ва ислом томонидан ҳам қабул қилинди.

Инсонпарварлик, инсоннинг ахлоқий қамолоти ғоялари қадимги Хитойнинг машҳур мутафаккири — Конфуций таълимоти-нинг ҳам асосини ташкил этди. Инсон ўзининг ижтимоий келиб чиқиши ёки жамиятдаги мавқега кўра эмас, балки тўғри, ҳалол, адолатли бўлишига интилиши, ўзидан катталарга ҳурмат туйғусини тарбиялаш эвазига

айан даврларда зардуштийлик, буддавийлик ва ислом Марказий Осиё ҳудудидagi давлатларнинг расмий мафқураси бўлиб хизмат қилган. Аммо сиёсий мустақиллик бой беҳисобланган ҳамда урушлар даврида, масалан аҳомийлар, Александр Македонский боқий даврда озодлик, чет эл босқинчили-рига қарши кураш мафқураси халқнинг асо-сий мафқураси бўлди. Мустақиллик, муста-қилликни тиклаш ғоялари асрлар мобайни-да ишлаб келиб ва айнан унинг умрбоқийли-ги мамлакатимиз ҳудудида Турк ҳоқонлиги, Кушон каби буюк давлатларнинг вужудга

Тарих — миллат

комилликка эришиши мумкин, деб ҳисоблайди буюк донишманд. Шубҳасиз, бу ғоялар тараққиётнинг муайян босқичларида Хитойда жамиятининг гуллаб-яшнашига хизмат қилди. Конфуцийлик ғоялари ҳозирда ҳам хитой халқи мафқурасининг асосини ташкил этди.

Шарқда вужудга келган бунёдкорлик ғоялари Юнон-Рим антик маданияти томонидан ривожлантирилди. Инсоннинг холия-ти, унинг жамиятининг таъминотидаги бо-расидаги интилишлари ҳусусидаги ғоялар демократик-социстик фалсафа намоёнчаси Протагор (милоддан аввалги V аср) қараш-ларида ўз аксини топди. У маданият тараққи-ети ва жамият ҳаётининг таъминотидаги бунёдкорликнинг тўпланиши даражасида қараб юксалиб бориши ғоясини тарғиб қилди. Ко-нушлар ҳам санъат асарлари жумласига та-риҳини ва ҳар қандай бошқа ҳунарни эгалла-дан каби жамият ишдаги оидилликка ҳам ўрганиш мумкинлигини исботлади.

Афлотун, Аристу, Сукрот каби дунё тан олган буюк мутафаккирлар эзгулик ва адо-лат ғоясини ривожлантирар экан, кишилик жамиятининг олий шакли сифатида адолат-ли давлат ҳақида бақо юритдилар. Сукротга мансуб «ҳақиқат баҳсада турилади» деган маш-хур ҳикмат кенг тарқалди асрлар мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Биз бу ғояларни уларнинг умрбоқийлиги ва дунё-нинг турли жўрғоғли минтақаларидаги жа-миятлар тараққиётига катта таъсир кўрсат-ганлиги учун тилга олиш. Эҳтимол, улар-нинг ислом таълимоти мафқуравий асосла-рига яқинлиги XX аср бошларида Туркис-тон тараққиётларларининг диний ва ижти-моий ҳаракатларида ислохотлар ўтказиш мақ-садида антик фалсафанинг ўз устуни иш-ларига қайта ва қайта мурожаат қилишига ундадир.

Ватанпарварлик тарихга мурожаат қилар экан-миз, дунёнинг қатор мамлакатларида бўлган каби, бизда ҳам турли даврларда жамият амал қилган ғоялар диний, ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий ғоялар билан қўшилиб-қатнашиб кетганлигини таъкидлаш жоиз. Му-

шояр Алишер Навоий эса ўз асарларида ко-мил инсонлар тисолини яратиш орқали ин-сон ақли иш ва маърифат воситасида дунё-ни ўзгартиришга қодир ва ўзгартириши ло-зимлигини исботлаб берди.

Бу маънавий-маданий Уйғониш ислом омилининг кучайиши билан бирга борди. Имом Бухорий ва Ат-Термизий сингари ис-лом уламоларининг ижодий мероси мусло-мон оламни Қуръон ва ҳадисларини тўғри тушунишга ўргатди, комил инсон ҳақидаги исломий таълимнинг вужудга келишига асос бўлди.

Маънавий ва маданиятга катта эиён ет-казган мўғул босқинидан кейин бу Уйғо-ниш ислом негизига келиб. Бу борда катта миқдордаги муслмон жамоалари, маҳабла-ри ва мактабларини ўзида бирлаштирган ҳамда миллат ва давлатнинг жинплашуви-га олиб келган яссавия, кубровия, хожатон-нақибандия каби сўфийлик тариқатларининг вужудга келиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Миллий бирлик, кучли мустақил давлат барпо этиш ва уни бошқариш усуллари, дав-латликнинг мустақамлаш, барча ижтимоий топқандарнинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли-ни яхшилаш бўйича талбирларга оид ғоялар Амир Темури ҳукмронлиги даврида ривож-лантирилди ҳамда «Темури тузуқларида» ўз аксини топди. Унинг ўтқир ақли ва ғоялари шарофати билан бизнинг заманимиз ҳуду-дида яна ўзининг сийсий-маданий қудрати-га кўра буюк салтанат қарор топди. 1968 йилда Темури туғисига «Мовароуннаҳрда мустақил марказий бирлашган давлат тузи-ди... камда юз йилгича йил давомида ин-сбий осийишликни ўргатди. Бу, шубҳасиз, мамлакатда иқтисод, маданият, фан, адабиёт ва санъатнинг ўсишида муҳим омили бўлди. Темурининг ўрта Осиё тарихидаги хизмати, бизнингч, ана шулардан иборатдир», — деб ёзишга журъат қилгани учун машхур олим И.Муминов Компартиянинг мафқуравий органилари томонидан руҳий тазйиққа учиради.



Харидорлар баҳоси:

АЪЛО!



Самарқанд туманидаги «Тоҳирий» концерни таркибига 4 та қўшма корхона ва 4 та фирма фаолият кўрсатмоқда.

Кўш хабар Мўл ҳосил умидида

Чирокчи, Шаҳрисабз ва Китоб тумани ғаллакорлари суғориладиган ерларга кузги дон экинчи муддатдан илгари тугалладилар.

Суд ҳужжати ҳаммага баробар-ку...

Ҳакимжон ХОЛИҚОВ, Наманган шаҳридаги 2-давлат нотариал идораси катта хотираси, 2-даражали ҳуқуқшунос.

Кузги пилла

Қашқаларде вилоятида Хитой Халқ Республикасида келтирилган кузги ипак куртининг иккинчи авлоди Билалдан эски мувофлақатли янги синовал ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- I. Давлат рўйхатидан ўтказилди: 1. Ўзбекистон Республикаси банкларини аудиторлик текшируви тўғрисида низоом (янги таҳрирда).

Албатта, бундай мафқуралар орасида мамлакат ва жамиятини таназзул ҳолатига олиб келган гоёсилик даярлари ҳам учраб туради.

мурабийси

да бўлиб ўтган инқилоблар катта таъсир ўтказди, дейиш олат тусига кирган. Аммо ақал таъсир бўлганлиги ҳам шубҳасиз.

бегуноқ кишиларни ўз домига тортиди. Бу жараёнда коммунистик мафқура бутун маъжуд дунёда ажратиб қўйиш билан халқнинг миллий негизларига ҳақоратли таъсир ўтказди ҳамда кишиларнинг иродасини синдириб, ташаббусдорлиги ва эркин фикрларини бўғиб ташлади.

Ирсоннинг тарихидagi ғўз мафқуралардан яна бири расизм-ирқчилик ҳисобланади. Ирқчилик қундалик ҳаётда миллий мансублиги ва танасининг рангига кўра ажралди турмучи кишиларга таъйик ўтказиш, уларни камситиш, уриш ва ўлдирши каби ҳаракат-ҳодисаларга намоен бўлади.

1865 йилда АКШда ташкил топган «Куку-лукс-клан» деб аталган террористик ташкилот ўзининг оқиндан-оқич ирқчилик йўналишидаги фаолияти билан алоҳида ажралди туради.

Ирқчиликнинг бошқа бир шакли-герман фашизми ирсоннинг учун даҳшатли фожиага айланди. Гитлер томонидан XX асрнинг 20-йилларида асос солинган Германиядаги миллий-социалистик партия ўзини соф немес ирки — дунёни бошқаришга даъват қилинган ҳақиқий орийларнинг ҳимоячиси деб эълон қилди.

Маъмури-моҳияти доимий кўрқус солиши, фитна чиқариши ва дунё-ўзривонлик йўли билан жамиятга барқарорликни издан чиқариши, беҳисоб гуноҳсиз кишилар, жумладан, болаларнинг қурбон бўлишига олиб келадиган сиёсий қиринлар, портлашларнинг ташкил қилиш орқали муҳитни дамишга кескин назиятга ушлаб туришдан иборат булар терроризм роғлари ирсонингта катта ҳаф ҳисобланади.

Тошкент автомобил-йўллар институти жамоаси Фаисафа фанлари номзоди ТАИИ профессори, «Фаисафа ва сиеатшунослик» кафедраси собқ мудир, махт фахрийси

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг Хоржий мамлакатларида эшиттирилган бошқармаси жамоаси инглиз тили суҳбатчини Л.Ҳошимовга отаси Ўзбекистон халқ артисти

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси жамоаси Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиги Анвархон Эргашевта волидан муҳтарамини НАФИСА амин

«Экспан» халқаро жамғармаси Қашқадар вилоят бўлими жамғарма бошқарув ҳаётининг раис, вилоят ҳокимининг уриносари

Раим РАҲМОНОВнинг вафот этганини муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдирди.

ОАЖ «Косилекс» тематик экспедицияси жамоаси Нефт ва газ захираларини ҳисоблаш партияси бошлиги, Давлат муқофоти лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими, Республика нефт ва газ соҳаси ветерани

Тошкент автомобил-йўллар институти жамоаси Фаисафа фанлари номзоди ТАИИ профессори, «Фаисафа ва сиеатшунослик» кафедраси собқ мудир, махт фахрийси

